



Tadqiqot.uz

ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР МАВЗУСИДАГИ КОНФЕРЕНЦИЯ МАТЕРИАЛЛАРИ

2020

- » Ҳуқуқий тадқиқотлар
- » Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар
- » Тарих саҳифаларидаги изланишлар
- » Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни
- » Иқтисодиётда инновацияларнинг тутган ўрни
- » Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар
- » Педагогика ва психология соҳаларидаги инновациялар
- » Маданият ва санъат соҳаларини ривожланиши
- » Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши
- » Техника ва технология соҳасидаги инновациялар
- » Физика-математика фанлари ютуқлари
- » Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар
- » Кимё фанлари ютуқлари
- » Биология ва экология соҳасидаги инновациялар
- » Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари
- » Геология-минерология соҳасидаги инновациялар



№18
31 июль

conferences.uz

**"ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР"
МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА 18-КЎП ТАРМОҚЛИ
ИЛМИЙ МАСОФАВИЙ ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИЯ
МАТЕРИАЛЛАРИ
12-ҚИСМ**

**МАТЕРИАЛЫ РЕСПУБЛИКАНСКОЙ
18-МЕЖДИСЦИПЛИНАРНОЙ ДИСТАНЦИОННОЙ
ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИИ НА ТЕМУ "НАУЧНО-
ПРАКТИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ"
ЧАСТЬ-12**

**MATERIALS OF THE REPUBLICAN
18-MULTIDISCIPLINARY ONLINE DISTANCE
CONFERENCE ON "SCIENTIFIC AND PRACTICAL
RESEARCH IN UZBEKISTAN"
PART-12**

ТОШКЕНТ-2020



УУК 001 (062)
КБК 72я43

"Ўзбекистонда илмий-амалий тадқиқотлар" [Тошкент; 2020]

"Ўзбекистонда илмий-амалий тадқиқотлар" мавзусидаги республика 18-кўп тармоқли илмий масофавий онлайн конференция материаллари тўплами, 30 июль 2020 йил. - Тошкент: Tadqiqot, 2020. - 25 б.

Ушбу Республика-илмий онлайн конференция 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилган вазифа - илмий изланиш ютуқларини амалиётга жорий этиш йўли билан фан соҳаларини ривожлантиришга бағишланган.

Ушбу Республика илмий конференцияси таълим соҳасида меҳнат қилиб келаётган профессор - ўқитувчи ва талаба-ўқувчилар томонидан тайёрланган илмий тезислар киритилган бўлиб, унда таълим тизимида илғор замонавий ютуқлар, натижалар, муаммолар, ечимини кутаётган вазифалар ва илм-фан тараққиётининг истиқболдаги режалари таҳлил қилинган конференцияси.

Масъул муҳаррир: Файзиев Шохруд Фармонович, ю.ф.д., доцент.

1. Ҳуқуқий тадқиқотлар йўналиши

Профессор в.б., ю.ф.н. Юсувалиева Рахима (Жахон иқтисодиёти ва дипломатия университети)

2. Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар

Доцент Норматова Дилдора Эсоналиевна (Фарғона давлат университети)

3. Тарих саҳифаларидаги изланишлар

Исмаилов Ҳусанбой Маҳаммадқосим ўғли (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси)

4. Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни

Доцент Уринбоев Хошимжон Бунатович (Наманган мухандислик-қурилиш институти)

5. Давлат бошқаруви

PhD Шакирова Шохида Юсуповна (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази)

6. Журналистика

Тошбоева Барнохон Одилжоновна (Андижон давлат университети)

7. Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар

Самигова Умида Хамидуллаевна (Тошкент вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)



8.Адабиёт

PhD Абдумажидова Дилдора Рахматуллаевна (Тошкент Молия институти)

9.Иқтисодиётда инновацияларнинг тугган ўрни

Phd Вохидова Мехри Хасанова (Тошкент давлат шарқшунослик институти)

10.Педагогика ва психология соҳаларидаги инновациялар

Турсунназарова Эльвира Тахировна (Навоий вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)

11.Жисмоний тарбия ва спорт

Усмонова Дилфузахон Иброхимовна (Жисмоний тарбия ва спорт университети)

12.Маданият ва санъат соҳаларини ривожлантириш

Тоштемиров Отабек Абидович (Фарғона политехника институти)

13.Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши

Бобохонов Олтибой Рахмонович (Сурхандарё вилояти техника филиали)

14.Тасвирий санъат ва дизайн

Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

15.Муסיқа ва ҳаёт

Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

16.Техника ва технология соҳасидаги инновациялар

Доцент Нормирзаев Абдуқайом Раҳимбердиевич (Наманган муҳандислик-қурилиш институти)

17.Физика-математика фанлари ютуқлари

Доцент Соҳадалиев Абдурашид Мамадалиевич (Наманган муҳандислик-технология институти)

18.Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар

Т.ф.д., доцент Маматова Нодира Мухтаровна (Тошкент давлат стоматология институти)

19.Фармацевтика

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

20.Ветеринария

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

21.Кимё фанлари ютуқлари

Рахмонова Доно Қаххоровна (Навоий вилояти табиий фанлар методисти)



22.Биология ва экология соҳасидаги инновациялар

Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

23.Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари

Доцент Сувонов Боймурод Ўралович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

24.Геология-минерология соҳасидаги инновациялар

Phd доцент Қаҳҳоров Ўктам Абдурахимович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

25.География

Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

Тўпلامга киритилган тезислардаги маълумотларнинг хаққонийлиги ва иқтибосларнинг тўғрилигига муаллифлар масъулдир.

© Муаллифлар жамоаси

© Tadqiqot.uz

PageMaker\Верстка\Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

Контакт редакций научных журналов. [tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of [tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

**МАДАНИЯТ ВА САНЪАТ СОҶАЛАРИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ**

1. Курязова Дармонжон Тураевна МУЗЕЙ АШЁЛАРИНИ КОНСЕРВАЦИЯ ВА РЕСТАВРАЦИЯ ҚИЛИШ ЙЎЛИ БИЛАН САҚЛАБ ҚОЛИШ МАСАЛАЛАРИ	7
2. Ibragimova Aziza xasan qizi O‘ZBEKISTON DAVLAT SAN‘AT MUZEYI DO‘PPILAR KOLLEKSIYASI	9
3. Умаров Камолиддин Хусниддин ўғли ЎЗБЕКИСТОН ВА ГЕРМАНИЯ ЎРТАСИДАГИ МАДАНИЙ-ГУМАНИТАР МУЛОҚОТ	11
4. Abduqodirova Zulayho Badirxonovna KITOVNING INSON MA‘NAVIYATIDA TUTGAN O‘RNI. KITOVXONLIK MADANIYATI	13
5. Ф.Ф.Ахмедов БУЮК ИХТИРОМИ ЁКИ ФАЛОКАТ	15
6. Prosheva Nargizaxon Ismonaliyevna, Qodirova Manzuraxon Axmadjonovna ZAHIRIDDIN MUHAMMAD BOBUR VA JAHON MADANIYATI	18
7. Tojiboyeva Dilovar Ergashaliyevna O‘ZBEKISTONDA MUSIQALI ASARLARNING YUTUQ VA KAMCHILIKLARI, UNI RIVOJLANTIRISH ISTIQBOLLARI	20
8. Хайитбобоева Хуршида Пирмахматовна ТОШКЕНТ ЗАМОНАВИЙ БАДИИЙ ҲУНАРМАНДЧИЛИГИ.....	22



МАДАНИЯТ ВА САНЪАТ СОҶАЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

МУЗЕЙ АШЁЛАРИНИ КОНСЕРВАЦИЯ ВА РЕСТАВРАЦИЯ ҚИЛИШ ЙЎЛИ БИЛАН САҚЛАБ ҚОЛИШ МАСАЛАЛАРИ

Куязова Дармонжон Тураевна
Камолитдин Бехзод номидаги МРДИ профессори, т.ф.н.
Телефон: +998 (94) 666 59 68
tura268@mail.ru

Аннотация: Мазкур мақолада музей предметларини реставрация ва консервация қилиш йўли билан сақлаб қолиш муаммолари кўриб чиқилди. Шунингдек, экспонатларнинг физикавий ва кимёвий тузилишидан келиб чиққан ҳолда уларнинг эскириш жараёнини секинлаштириш методлари ўрганилди.

Калит сўзлар: музей, экспонат, консервация, реставрация, сақлаш, предмет, эскириш жараёни, амалий санъат, металл буюмлар.

Илмий тушунчалар ҳамиша ўзгариб келган, тобора мураккаблашиб борган. Аввало ёдгорлик тушунчасини олсак, ҳозирги замон реставрацияшунослиги бўйича ёдгорликда икки томонлама: тарихий ва бадиий қийматлар мавжуд. Ўз навбатида уларнинг таркибий жиҳатлари ҳам бор. Тарихий қиймат нафақат ўтмиш тўғрисида маълумот берувчи, балки ҳиссий, яъни эмоционал қийматга ҳам эгадир. Бадиий қиймат ўз ичига эстетик жиҳатларни қамраб олади. Санъат буюмларининг типологияси ўтмиш ҳаётнинг муҳим томонларини акс эттиради. Бадиий қиймат тўғрисидаги тушунчалар ўзгариб турган. Бадиий қийматни ўрганишда бевосита амалий санъат асарларининг консервацияси ва реставрациясида энг муҳим омил саналган технологик изланиш жараёнлари ҳам муҳим тажрибавий омиллардан бири саналади. Бу бўлимда консервация ва реставрация жараёнининг ўзаги ҳисобланмиш технологик тадқиқларни амалий безак санъати турлари асосида ўрганиб чиқилади. Заргарлик тақинчоқлари мониторинги кўп босқичли жараён бўлиб, ўз ичига аниқ бир андозаларга, қоидаларга нормативларга ва талабларга буйсунувчи кўпгина услублар, жараёнларни олади. Заргарлик тақинчоқлари даставвал сифатига кўра, яъни мазкур заргарлик буюми тайёрланиш даражасига кўра текширувдан ўтиши лозим. Бу босқич бир ёки бошқа буюмнинг қийматини аниқлайдиган, пул суммасида баҳолашга йўналтирилган кейинги босқичларга ўтишга ёрдам беради. Қийматни аниқлаш босқичи ўзида заргарлик буюмлари реставрация пайтида олинган барча маълумотлани ва бу ҳақида ҳужжат кўринишидаги ҳисобот тузишни умумлаштиради.

Консервациянинг биринчи босқичида ҳам мазкур заргарлик буюмида қўлланган тошлар сифатини ҳамда маъдан сифатини баҳолаш уларнинг бевосита иштирокида олиб борилади. Тошлар ва уларнинг айнан ўхшашларининг сифати даражасини текшириш учун геммологик жиҳозлардан фойдаланилади. Айнан геммологик жиҳозлар мазкур заргарлик тақинчоғида қанақа тошлар билан иш олиб борилаётганини тушунишга ёрдам беради. Мазкур жиҳозлар ёрдамида иш олиб бораётган тошлар учун хос хусусиятлардан вокиф бўлинади [1. - С. 3 – 25]. Текшириш пайтида, шунингдек, технологик, градуировка яъни даражаларга бўлиш ва бадиий консервация сингари консервациянинг бошқа турларини ҳам олиб бориш мумкин. Агар биз градуировка ҳақида гапирсак, буюмнинг сифатига батафсил тўхталиб ўтилади. Рангига қараб барча металллар иккига бўлинади қора ва рангли. Рангли металлларга олтин, мис, кумуш, алюминий, рух, кўрғошин, никел киради. Қора металлларга эса темир ва унинг қотишмалари, чўян ва пўлат киради [2. - С. 79]. Заргарлик буюмларига музейларда махсус паспорт ёзиш бир қанча босқичларни босиб ўтади. Айнан шу паспорт маълумотлари асосида консервация ва реставрация ишлари олиб борилади. Сифатни техник текшириш хизматининг асосий вазифаси ишлаб чиқарилаётган махсулот нуқсонини ўз вақтида аниқлаш техник талабларга жавоб бермайдиган махсулотларни заводдан четга чиқармасликдир [3. - С.34]. Замонавий жараёнда металл буюмларни реставрация ва консервация қилиш учун



техник экспертизадан ўтказиш бир томондан, металлни муайян давр ва ишлаб чиқариш жойи учун эталон сифатида қабул қилинган маълум намуналар билан қиёслашга, иккинчи томондан, тадқиқ қилинаётган предметни тайёрлаш усулининг эталон технологиясига мувофиқ келишига асосланади. Кўп ҳолларда, шундай эталон мавжуд бўлмаслиги мумкин, шу сабабли тарихий технология ҳақидаги ўз тасаввурларимиз билан ёхуд эълон қилинган шундай буюмларнинг тадқиқ қилиш натижалари билан чекланишга тўғри келади. Қиёслаш учун бошқа бевосита эталонлар мавжуд бўлмаган, ўрганилаётган предмет ноёб бўлган ҳолларда бу усулнинг ўрнини ҳеч нарса босолмайди. Олтин буюмларни техник реставрациядан ўтказиш жуда мураккаб иш ҳисобланади. Бу ҳолатда қалбаки нусхаларни аниқлашда металда кадмий, рух, баъзан қўрғошин каби аралашмаларнинг мавжудлиги ёки мавжуд эмаслигига асосланилади. Антик давр заргарлик буюмларининг ҳақиқийлигини аниқлашда ва уларни консервация қилишда уларда одатда Европалик реставрацияшунослар ишлаб чиққан антик грануляциялар ва филиграннинг алоҳида тури мавжудлигига қараб фикр юритилади [4. – С. 94]. Предметларнинг сиртини микроскоп билан тадқиқ қилиш ҳам фойдалилик. Бунда одатда тирналишларга, шикастларга, пачақликларга, бегона материалларнинг мавжудлигига эътибор қаратиш керак. Зарбхонада тайёрланган қадимий кумуш ва олтин тангаларни консервация қилишда металлнинг тузилмасини тадқиқ қилиш, металлографик шиф ёки рентген-тузилма таҳлили мақсадга мувофиқдир. Кўпгина қадимий нумизматика ашёлари учун фойдаланадиган консервация белгиларини аниқлаш мақсадида бу ишни амалга ошириш зарур бўлади. Бу услубда рентген-тузилма таҳлили ўзининг шикаст етказмаслик хусусияти билан эътиборга моликдир. Бронза ва латунь буюмларнинг консервацияси ва реставрациясида улар таркибида зарур микдорда қалай, маргимуш, сурьма, рух, кадмий, висмут, қўрғошин, кумуш ва олтин мавжудлигига асосланади. Қадимги латунга рух металл кўринишида эмас, балки рухнинг айрим минералларини кўшган ҳолда мис эритмалари билан биргаликда кўшилган. Бу жараён музей адабиётларида цементация деб аталади, холбуки, металлургия нуқтаи назаридан, бу ном ҳамшиша ҳам юз бераётган жараёнлар моҳиятига мос келавермайди [5. – С. 77-94]. Ҳайкалтарошлик бронзаси, латунь ва бошқа мисли қотишмаларнинг энг ҳарактерли хусусиятлари, уларни имитация қилиш ва безатиш усуллари кўрсатилади, улар предметнинг ҳақиқийлиги ва яратилган санасини аниқлашга имкон беради. XIX аср ва XX аср бошларидаги бадий металлга энг кўп тарқалган клейма ишлаб чиқарилади [6. – С. 87]. Эксперт ва реставраторнинг хулосаси предметнинг турли хил тавсифларини тадқиқ қилиш жараёнида аниқланган бир-бирига зид бўлмаган хулосалардан иборатдир, бунда ҳар бир аниқ ҳолатда предметнинг бетакрорийлиги аниқланади ва консервацияланади. Илмий реставрация лабораторияларида реставрацияланиш, маълумки, ашёни консервациялаши, айрим ҳолларда эса қопламадаги йўқотишларни, безакнинг иккинчи даражали деталларини ва конструкциянинг айрим қисмларини сақланиб қолганига ўхшаш ҳолатда илмий асосланган қисман тузатишни англатади. Консервациянинг ўзи реставрациянинг иккинчи босқичини ташкил этади. Унинг вазифаси нафақат кўриб чиқиладиган ашё, балки унинг ўхшашларини ҳам сақлаш ҳақидаги маълумотни таҳлил қилишдан иборатдир. Мазкур тадқиқотда бадий металл билан консервация ва реставрация иши олиб боришнинг барча усуллари кўрсатилиши мумкин эмас, бунда стилистик эмас, балки материалшунослик таҳлиliga биринчи даражали аҳамият бериладиган ёндашувнинг ўзи муҳимдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Спектрография в исследовании скульптуры и предметов прикладного искусства из металла и сплавов // Сообщения ВЦНИЛКР. № 16. - М., 1966. - С. 3 – 25.
2. Зайцева Н. Разработка методики определения ультрамалых количеств примесей в золотых музейных предметах методом инверсионной вольтамперометрии на стационарном ртутно-углесиптиталовом электроде. ГБЛ. Вып. 8. 1983. - С.79.
3. Шестаков В. Особенности реставрации культурных ценностей // Вопросы культурологии. – М., 2008, № 11. - С.34.
4. Калиш М. К. Реставрация древних художественных предметов из меди и бронзы // Сообщения ВЦНИЛКР. - № 12. М., 1964. - С. 94.
5. Калиш М. Выбор способов и методика химического патинирования монументальной бронзовой скульптуры // Художественное наследие. № 4, М., 1978.С. 77 – 94.
6. Новые технологии в сфере реставрации музееведения. На пути к музею XXI века. – М.: Прогресс-Традиция, 1999. – С. 87.



О‘ЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ SAN’AT MUZEYI DO‘PPILAR KOLLEKSIYASI

Ibragimova Aziza xasan qizi
O‘zbekiston Davlat san’at muzeyi ilmiy hodimi
Telefon: +998 (99) 842 34 48
aziza.khasanovna@mail.com

Annotatsiya: Mazkur maqolada O‘zbekiston davlat san’at muzeyida saqlanayotgan do‘ppilar kolleksiyasi haqida ma’lumot berildi. Shuningdek ekspozitsiyadan o‘rin olgan do‘ppilarning bir qismini tahlil qilindi.

Kalit so‘zlar: muzey, eksponat, amaliy san’at, do‘ppi, tumor, kashta, ramz, bezak, kompozitsiya, uslub.

Xalq amaliy san’atining eng mashhur va keng tarqalgan turlaridan biri-do‘ppi xisoblanadi. Ushbu san’at turi bugungi kungacha mavjud bo‘lib, uning an’analari avloddan avlodga o‘tib kelmoqda. Bosh kiyimi sifatida do‘ppilar tarixi ko‘p asrlarga borib taqaladi. Uning yuksak badiiy qadr-qimmat, kashtalarning bezakli tasvirlari ushbu xalq amaliy san’ati turining uzoq rivojlanish yo‘lidan dalolat beradi. Do‘ppilarga o‘xshash bosh kiyimlar qadimdan mavjud bo‘lganligi haqida bilvosita haykaltaroshlik na’munalari, devoriy suratlar, terakota haykalchalari hamda sharq miniatyuralaridan bilish mumkin. Do‘ppilar dastlab konussimon qilib tikilgan va ularni salla ostidan kiyishgan. 1920-yillardan boshlab do‘ppilar rang-barang bo‘lib, ularning shakllari o‘zgaradi: uchli, konussimonroq, yumaloq, to‘rtburchakli va hokazo. Ular yuqori yoki past devorlarga ega, to‘qilgan yoki ipak, baxmal va boshqa matolardan tikilgan hoshiyalar bilan bezatilgan. [1:- C.26]. Do‘ppi (tatarcha “do‘ppi”- tepa, tepalik) nafaqat o‘zbeklarning, balki Markaziy Osiyoning boshqa xalqlarining ham milliy bosh kiyimidir.[1. – C. 10]. Haqiqatan ham uning shakliga e’tibor qaratsak, u osmon, masjidlar gumbazini, qadimiy bozorlarning tomolarini, hattoki bir necha barobar kichraytirilgan o‘tovni eslatadi. XVIII asr oxiri – XIX asr boshlarida do‘ppilar O‘rta Osiyoda katta shuhrat qozondi, bundan oldin Toshkentda ularni faqat erkaklar va o‘g‘il bolalar kiyishgan. [2. –C. 147-148].

Do‘ppilar haqidagi afsonalar va urf-odatlar xalq orasida hozirgacha saqlanib qolgan. Afsonalarga ko‘ra, do‘ppining yuqori qismidagi to‘rtta gul odamning sog‘lig‘ini to‘rt tomondan himoya qiladi, chetidagi o‘n oltita gul esa katta va ahil oila bo‘lish istagini bildiradi. Do‘ppilarning eng keng tarqalgan bezaklari: qalampir - poklik va tumor; qushlar, ularning patlari, bulbul motivlari - donolik timsoli; atirgul novdalari - tinchlik va go‘zallik ramzini bildirgan. Qush - bu tasviriy san’atning keng tarqalgan va an’anaviy motivlaridan biri hisoblanadi. Baxt haqidagi qarashlar va fikrlar doim qushlar obrazi bilan bog‘liq bo‘lgan. SHu sababli, do‘ppilarni bezatishda ko‘proq qushlar tasvirlaridan foydalana boshlashgan. O‘zbekistonning eng mashhur do‘ppilaridan biri – bu chust do‘ppisidir. Ushbu bosh kiyim O‘zbekiston ramzlaridan biriga aylandi va mamlakat tashqarisida ham juda mashhur. Bosh kiyimini teng qismlarga ajratadigan to‘rtta qismi, insonni dunyoning turli burchaklaridan keluvchi yovuz kuchlardan himoya qilish uchun mo‘ljallangan. Do‘ppi asosidagi qora rang bo‘shliq va zulmatni anglatadi. Bezaklari esa odatda oq shoyi iplar bilan tikilgan. Ustki qismidagi to‘rtta element “kalampir” - hayot, oilaviy farovonlik ramzi hisoblanadi va yomon ko‘zdan himoya qiladi. Bosh kiyimning pastki qismidagi mehrob ko‘rinishiga ega o‘n oltita element hayot va o‘limning davriylik xarakterini anglatadi. Afsonaga ko‘ra, bu elementlar boylikni jalb qiladi va hayotiy g‘ayratni ta’minlaydi. XIX asrning oxirlarida qo‘shni davlatlar bilan savdo-sotiq aloqalari ancha rivojlanidi va O‘zbekistonga arzon fabrika mahsulotlari olib kirilishi keng yo‘lga qo‘yildi. Bu esa O‘zbekiston badiiy hunarmandchiligiga o‘z ta’sirini ko‘rsatdi, albatta, ba’zi sohalar fabrika matolari bilan bo‘lgan raqobatga dosh berolmay o‘z faoliyatini tugatdilar. Lekin kashtachilik san’atidagi ba’zi bir tushkunlikka qaramay XX asrning boshida mohir ustalar tomonidan yangi kashtalar yaratilib, ular oldingi davrlarda noma’lum bo‘lgan bir qator badiiy sifatlarga ega edilar [3. – B. 59-60]. XIX-XX asrlarga oid markazning ilg‘or ustalari tomonidan tikilgan Marg‘ilon, Qo‘qon, Toshkent, Namangan, Shahrisabz, Buxoro, Urgut va Boysun do‘ppilari O‘zbekiston davlat san’at muzeyi ekspozitsiyasidan o‘rin olgan. Quyida ushbu muzeyda saqlanayotgan do‘ppilarning bir qismini tahlil qilish joiz deb topildi.

KP 12541. Inv 827 raqam ostidagi 1930-40 yillarga oid Qo‘qon do‘ppisi qora satindan tikilgan, ikki qismdan iborat baland gardishga ega. Uning tepa qismi vertikal qora ipli choklar



va medalonlar bilan tikilgan, to'rt qirradan iborat. Do'ppi o'ziga xos ko'rinishga ega.

КР 8311. Inv 673. XX asrga oid Marg'ilon do'ppisi – to'rtburchakli tekis tuppa do'ppi, uchida qora chiziqlar qirralargacha kesishib to'rt sektorga bo'linadi: gardishi jiyak bilan xoshiyalangan – 1,5 sm enli qora baxmal tasma. “Iroqi” va “kandaxiyol” choklarini birlashtirib qo'lda tikilgan. Markazida stilizatsiyalangan barglar chiqayotgan dumaloq ikki xil rangli to'pbarggul joylashgan. Undagi bezaklarning umumiy ko'rinishi, gulzorni eslatadi.

КР 15626. Inv 973 raqami ostidagi “iroqi” choklari bilan tikilgan, yumshoq shaklli, tepasi konussimon SHahrisabz do'ppisi. Feruza yashil rangli fonda qizil-sariq-ko'k ranglarni birlashtirgan holda o'simliksimon va geometrik shakllar yordamida kompozitsiya o'ylangan. Do'ppining pastki qismi naqshli ingichka jiyakli tasma bilan tikilgan.

КР 12101. Inv 804 raqamli “iroqi” chokli XX asrga tegishli Buxoro do'ppisi. Foniga oq rangdagi iplar bilan kashta tikilgan. Naqsh bir nechta to'pbarggullarni eslatadi. Yaxlit kompozitsion echimga ega. Pastki qismiga geometrik naqshli tasma tikilgan bo'lib, u kompozitsiyani yakunlagan.

Bundan tashqari, muzey nozik kompozitsiyali do'ppilarni namoyish etadi - qora fonda oq ip bilan bezatilgan, qator-qatorli archa bilan bezatilgan qalampir yoki bodom naqshli chust-do'ppi. Bunday do'ppilarga ham tumor sifatida qaralishi mumkin: O'zbekistonda bolalar, birinchi navbatda yangi tug'ilgan chaqaloqlar va go'daklar, shuningdek ayollar (homlador) bodom va qalampir joylashtirilgan tumorlar bilan himoyalangan. Do'ppi bezaklarida ilonning tasviri ham tez-tez uchraydi. Taxmin qilish mumkinki, ilonning sehrli kuchi g'oyasi o'tmishda mavjud bo'lgan, hozirgi kungacha unga sajda qilish izlari mavjud. Ilon yaxshi va yomon tamoyillarni ifodalovchi totem hayvon edi. Ilonlarga sig'inish qadimgi zamonlardan bir qator mamlakatlarda bo'lgan. U uy, oila, boyluk, chorva mollari, don, suv, xazina va hokazolarning vasiysi hisoblanar edi. “Ilon izi” naqshi mifologik urf-odatlariga ko'ra, to'qish tikishda keng tarqalgan bo'lib, u ham tumor bo'lib xizmat qilgan. [1. – S.48-49]. Buxoro do'ppisi “kallapushi buxori” boshqa mintaqalar do'ppidan nafaqat nomi, balki bir qator o'ziga xos xususiyatlari bilan ham farqlanadi. U ko'pincha qora yoki to'q yashil rangli oddiy baxmaldan yoki duxobadan tikilgan. [1. – S. 110]. Do'ppilarning naqshinkor boyligiga rang yordamida ham erishiladi. Rang badiiy ifoda etishning muhim vositalaridan biridir. Do'ppi rangi ham o'z kuchiga ega edi, masalan, oq rang baxt va muvaffaqiyatni, ko'k rang esa osmon va suv ramzini anglatadi. Do'ppi bezaklarining ajralmas qismi bu “jiyak” hisoblanadi, ba'zi joylarda “zax” (Buxoro, Urgut, Samarqand), “sheroza” (Surxondaryo). “Jiyak”, qoida tariqasida, do'ppining past qismiga tikilgan va egasini yovuz kuchlardan himoya qilgan. Oltin va kumush iplar bilan bezatilgan hoshiya naqshlari do'ppi egasining yuqori ijtimoiy mavqeidan yoki bu bilan bog'liq bo'lgan voqeadan dalolat beradi. Agar erkaklar do'ppilarini tikishda ko'pincha qora atlas yoki baxmal ishlatilsa, ayollar do'ppilari ipak, baxmal va parchadan tikilgan. Ular yuqori yoki past devorga ega bo'lishi mumkin, ipak yoki boshqa matolardan tikilgan rangli jiyaklar bilan hamda munchoqlar, shisha toshlar bilan bezatilgan. Xususan, “kalamkash” yoki “chizmakash” deb nomlangan mohir ustalar kashtachilik naqshlari ustida ish olib borgan. Naqshlar to'g'ridan-to'g'ri tayyorlangan matoga siyoh yoki kalam yordamida nozik chiziqlar bilan chizilgan. Agar mato rangi to'q bo'lsa, naqsh sariq bo'yoq eritmasi bilan tushirilgan. Belgilangan qalamlardan tashqari tayoqchalar va oddiy po'lat patlar ishlatilgan. Hunarmand ayollarning go'zallikka intilishi, ularning mahoratini hunarmandchilikdan yuqori san'at darajasiga ko'targan.

Xulosa qilib aytish mumkinki, rang-barang do'ppilar nafaqat o'zbek an'anaviy milliy kiyimining, balki zamonaviy kiyimlarning ham ajralmas turlaridan biri bo'lib kelgan va bundan keyin ham shunday bo'lib qoladi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati

1. Богословская И., Левтеева Л. Тюрбетейки Узбекистана XIX-XX веков. –Т., 2006.- С. 10, 26, 48-49, 110.
2. Бикжанова М.А. Одежда узбечек Ташкента XIX – начала XX в. //Костюм народов Средней Азии. Историко–этнографические очерки. – М., 1979. С.147-148.
3. Ҳақимов А., Файзиева В. Ўзбекистон Давлат санъат музейи ноёб хазинасидан. – Т., 2014. – С. 60.



ЎЗБЕКИСТОН ВА ГЕРМАНИЯ ЎРТАСИДАГИ МАДАНИЙ-ГУМАНИТАР МУЛОҚОТ

Умаров Камолiddин Хусниддин ўгли
Ўзбекистон давлат санъат ва маданият
институтини “Маданиятшунослик”
мутахассислиги 1-босқич магистранти
Тел: +99890 914 12 34
Umarovkamol@mail.ru

Аннотация: Ушбу мақолада Ўзбекистон ва Германия ўртасидаги ҳамкорликнинг тарихий илдизлари, амалга оширилган ўзаро ҳамкорлик алоқалари ва Ўзбекистондаги немис диаспораси ҳақида фикр юритилган.

Калит сўзлар: *Ҳамкорлик, интеграция, маданий алоқалар, трансформацион жараёнлар.*

“Германия Ўзбекистоннинг ишончли ва истиқболли шеригидир. Биз ўзаро ҳамкорликни сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқишга, унга ҳақиқий шериклик хусусиятини бахш этишга тайёрмиз”.

Шавкат Мирзиёев

Ҳозирги кунда янгиланаётган Ўзбекистон кўплаб мамлакатлар билан турли соҳаларда ҳамкорликни амалга оширомоқда. Шу жумладан, Ўзбекистон билан Германия ўртасидаги муносабатлар ҳам юксак даражада ривожланмоқда. Ҳар икки мамлакат ўзаро муносабатларда интеграция тамойилига асосланган. Алоқаларнинг тарихи XIV асрдан бошланади. Амир Темурнинг 1402 йилда Анқара шаҳри яқинида турк султони Боязид устидан қозонган машхур ғалабасидан сўнг, асирга тушган, кейинчалик ҳарбий маҳорати билан Амир Темурнинг эътиборини қозонган Йоханн Шильтбергер узоқ вақт давомида аввал Соҳибқирон, сўнг эса темурзодалар хизматида бўлган. 33 йил Темурийларнинг хизматида бўлган Йоханн Шильтбергер ўз ватанига қайтгач, “Европа, Осиё ва Африкага 1394 йилдан 1427 йилгача саёҳат” номли ноёб тарихий китобини ёзиб қолдирган. Ушбу асар ҳозирда Мюнхен марказий кутубхонаси ва Тошкентдаги Алишер Навоий номидаги миллий кутубхонада сақланмоқда. Ундан ташқари, 1724 йилда немис композитори Георг Хендель томонидан “Амир Темур” (“Tamerlano”) операсининг яратилиши ва Лондон Қиролик театрида сахналаштирилиши бу алоқаларнинг узоқ тарихий аҳамият касб этишидан далолатдир.¹

Ўзбекистон билан Германия БМТ, ЕХХТ, Европа Иттифоқи каби халқаро ташкилотлар доирасида глобал ва минтақавий масалалар бўйича ҳамкорлик қилмоқда. Икки мамлакат ўртасида маданий-маърифий алоқалар мустаҳкамланмоқда.

Ўзаро муносабатлар ривожидида Ўзбекистонда яшайдиган немисларнинг улкан ҳиссасини алоҳида эътироф этиш жоиз. Бугунги кунда Ўзбекистонда истиқомат қиладиган 8 мингдан зиёд немислар Германия билан яқиндан алоқада бўлиб, ўз миллий анъана ва маданиятини сақлаб, ривожлантириб келмоқда.

Икки мамлакат туризм соҳасида ҳам кўплаб қўшма дастур, битим ва келишувларга эришган. Маълумотларга кўра – Германия аҳолиси ҳордиқ чиқариш ва дам олиш учун энг кўп маблағ сарфлайдиган мамлакатлар рўйхатида етакчи ўринни эгаллайди. 2018 йилда Германия фуқаролари 38 миллиард евро маблағ сарфлаган ҳолда, хорижий давлатларга 80 миллион марта сафар уюштирган.

Мамлакатимизда хорижий сайёҳлар учун қулай тартиб жорий этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунинг натижасида Германиядан келаётган туристлар сони ҳам ортиб бормоқда. 2016 йилда германиялик меҳмонлар сони 4 минг 889 нафарни ташкил қилган бўлса, 2018 йилда Ўзбекистонга 18 мингдан зиёд германиялик ташриф буюрди.²

Рақамли технологиялардан фойдаланиш бўйича Германия тажрибасини жорий этиш

¹ “Ўзбекистон-Германия: Ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг янги саҳифаси”. (китоб-альбом) Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2019, 212 б.

² <http://www.isrs.uz/> Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти расмий сайти. 21.01.2019



туризм соҳасидаги ҳамкорликда истиқболли йўналишлардан бири бўлиши мумкин. Бунда саёҳатчилар парвозлар ва яшаш жойларини халқаро бронлаш платформалари орқали ташкил қилиш имконига эга бўлади. Бошқа томондан “кўп маълумотлар” таҳлили трендларга тезроқ жавоб бера олиш ва географик жиҳатдан узоқликка қарамасдан, миждозларга яқин бўлиш имконини беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. “Ўзбекистон-Германия: Ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг янги саҳифаси”. (китоб-альбом) Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2019, 212 б.
2. <http://www.isrs.uz/> Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти расмий сайти. 21.01.2019



KITOBNING INSON MA'NAVİYATIDA TUTGAN O'RNI. KITOBXONLIK MADANIYATI

Abduqodirova Zulayho Badirxonovna
Namangan viloyati Norin tumani
33-maktab kutubxona mudirasi
Telefon nomeri :+99894 150 22 84

Annotatsiya: Ushbu maqolada kitob o'qish madaniyati, o'quvchilarning kitobga bo'lgan qiziqishlarini oshirish borasida e'tibor qaratiladigan jihatlar haqida so'z boradi

Kalit so'zlar: kitob, madaniyat, ma'naviyat, o'tmish, kelajak, yoshlar, o'quvchi, badiiy asarlar

Kitob- insonni komillikka, yuksaklikka etuvchi ajoyib xazina. Kitobsiz, asarlarsiz inson barkamol bo'la olmasdi. Kitob orqali faqat ma'lum bir bilimga ega bo'libgina qolmay, u tufayli inson o'zligini anglashi, hayotiy saboqlarni ham undan o'rganilishi mumkin.

O'tmish voqealarini, tarixda bo'lgan muhim hodisalarni biz agar kitob atalmish manba bo'lmaganda qayerdan ham bilardik? Albatta, dastlab og'zaki nutq, buning natijasida esa xalq og'zaki ijodi namunalari paydo bo'lgan, yozma nutq jarayonida esa yozma manbalar dunyo yuzini ko'rdi. Dastlabki yozma adabiyot namunalari murojaat etsak, O'rxun- Enasoy yodgorliklari, Mahmud Qoshg'ariyning "Devoni lug'ot at turk" asari, Yusuf Xos Hojibning "Qutadg'u bilig" asarlari yaratilganligiga necha asrlar bo'lsa ham, ulardagi mazmun-mohiyat hali hanuz eskirgani yo'q. Masalan, O'rxun-Enasoy yodgorliklarida asar qahramoni o'sha davrdayoq turk xalqini mustaqil ko'rishni orzu qildi va buning uchun yurtini birdamlikka, hamjihatlikka chaqirdi, o'z maqsadiga erishib, yurti ozodligini bayramdek kutib oldi. To'g'ri, asar toshga yozilgan, lekin undagi ma'lumotlar oltinga teng. Xalq og'zaki ijodi namunalari, o'zbek tili grammatikasi, fonetikasi, dialektologiyasi, undagi soz yasash qonun - qoidalari haqida Mahmud Qoshg'ariy o'zining "Devoni lug'ot at turk" asarida so'z yuritib, o'zbek tilshunosligida birinchi lug'atni yaratdi va birinchi o'zbek tilshunosi degan sharafli nomga sazovor bo'ldi. Bugungi kundagi rahbar ma'naviyati, jamoani boshqarishda e'tibor qaratiladigan jihatlar haqida, inson odob-axloqiga oid qarashlarini Yusuf Xos Hojib o'zining "Qutadg'u bilig" asari orqali belgilab bergan. Bu asarlar davrlar o'tsa ham insonlarga ezgulik ulashishdan to'xtagani yo'q.

Kitob, uning inson ma'naviyatida tutgan o'rni haqida so'z borganda, adabiyotimiz quyoshi hisoblanmish Mir Alisher Navoiy nomini eslamaslikning iloji yo'q. Chunki Navoiy asarlari bilan insonlarga ma'naviy ozuqa bera oldi, lirik ash'orlari bilan ham xalqning yurak-yuragidan joy oldi. Alisher Navoiy buyuk asari hisoblanmish "Xamsa"ni yakunlab, Xuroson hukmdori, do'sti Husayn Boyqaroga taqdim etadi. Husayn Boyqaro kitobni ko'zlariga surtib, Navoiyga minnatdorchilik tariqasida o'zining sevgan otiga mindirib, Hirot ko'chalarini aylantiradi va o'zi jilovdorlik qiladi. Qarang, buyuk shohning bir shoirga bo'lgan izzat-u ehtiromini.

Bizning yurtimizda ham ijodkorlarga, adabiyotimiz xazinasini o'zining buyuk asarlari bilan boyitayotgan ijod ahliga davlatimiz tomonidan, xususan Prezidentimiz Shavkat Mirziyoyev tomonidan e'tibor qaratilib, ular munosib taqdirlanib bormoqdalar. Buyuk-buyuk asarlar yaratilmogda, adiblarimiz nasriy asarlarini, shoirlarimiz she'r-u ash'orlarini, dramaturglarimiz dramatik asarlarini o'quvchilarga taqdim etmoqdalar. Xo'sh, bugungi kun o'quvchisi bu imkoniyatlardan to'g'ri foydalangan holda bu asarlarni o'qib, tahlil qilib bormoqdami? Texnika asri atalmish bu davrda hamma vaqtdan unumli foydalanish yo'lini qildirgan holda, mobil telefoniga yoki kompyuteriga murojaat qiladi. O'zi qildirgan ma'lumotni bir zumda topadi ham. Shu tariqa asrlar davomida bizga eng yaqin do'st bo'gan, ma'naviy ozuqa bergan kitobga e'tibor pasayib ketdi. Birinchi o'zbek romani bo'lgan Abdulla Qodiriyning "O'tkan kunlar" asari chop etilishi bilan kitob qo'lma-qo'l bo'lib ketar, navbatda turganlarning son-sanog'i yoq bo'lib, hatto asarni boshdan-oyoq yod olganlar ham bo'lgan ekan. Bundan bir asr ilgari insonlarning kitobga, badiiy asarga mehri shunchalik baland bo'lganini eshitib, bir tomondan xursand bo'lasan, bir tomondan bugungi davrdagi ba'zi yoshlar bilan solishtirgan holda lol qolasan. Jahon adabiyotining yirik vakili, birinchi bo'lib hayvonlar obrazni badiiy adabiyotga olib kirgan ijodkor Ernest Tompson o'z tarjimai holida yozishicha, yoshligida "Kanada qushlari" asarini kitob dokonda ko'rib qolib, uni sotib olish uchun bir necha yumushlarni bajarib, kitobga yetarli mablag' to'plaganini aytadi. Va uning ham "Jonivorlari haqida hikoyalar" asari shu darajada mashhur bo'lib ketadiki, kitob



qo'lma-qo'l o'qiladi, uni tik turib o'quvchilar ham bo'ladi. U paytda yozilgan asarlar bilan bugungi kundagi asarlarining farqi bormikin yozilishida? Lekin bugun o'sha asarlarni ham yangi nusxada chop etib, qo'lga tutqazilsa ham o'sha davrdagidek kitobga mehr qo'yib o'qiydiganlar kamroq. Yoshlarning kitobga, badiiy asarlarga bo'lgan e'tiborini kuchaytirish maqsadida davlatimiz rahbari tomonidan ham qarorlar e'lon qilinib, bir qator kitobxonlik ko'rik-tanlovlari tashkil qilindi. Bu tanlovlarda yoshlarning to'lib-toshib qatnashayotganligini ko'rib xursand bo'lamiz. "Yosh kitobxon" tanlovida g'olib bo'lib "Spark" avtomobilini qo'lga kiritgan yoshlarga havas qilmagan yosh-u qari qolmadi. Tanlovlar ta'sirida, kitob reklamalari tufayli o'quvchilar orasida kitob o'qish madaniyati oshib bormoqda. Internet orqali kitob o'qish, audiokitoblarni tinglash ham foydali, lekin jonli kitobga nima yetsin? Kitobda qahramonlar holatiga ta'sirlanganingizda ko'z yoshingiz tomadi, bir betni tugatsangiz, ikkinchi betiga shitirlatib varoqlab o'tkazasiz, qog'oz kitobning o'z hidi, o'z sehri bor. Buni kitobni o'qigan odamgina his qila oladi, xolos.

Yaqinda mobil telefon orqali O'tkir Hoshimovning «Ikki eshik orasi» romanini o'qib chiqdim. Avval qog'oz kitob orqali o'qiganimda, u menga boshqacha ta'sir qilgandi, lekin bu safar umuman ta'sirlanmay, bir zumda uni tugatdim. Shunda qog'oz kitoblarning naqadar menga qadrliligini, ta'sirini his etdim. Mayli, o'quvchi xoh telefon orqali bo'lsin, xoh oddiy, eski betlari sarg'aygan kitoblar orqali bo'lsin, asarlarni o'qib, ma'naviy dunyosini boyitsa, asardan ta'sirlanib, uning qahramonlariga o'xshagisi kelsa, salbiy qahramonlardan nafratlana olsa, uni ko'rgani ko'zi bo'lmasa, obu kitobni o'qigan o'quvchining vaqti besamar ketmaganidan dalolat beradi. Ona tili va adabiyot fani o'qituvchilari, kutubxona xodimlarining o'quvchilarning kitobga mehr-muhabbatli bo'lishlarida hissasi katta. Kutubxonalarimiz o'quvchilar bilan to'lib, biz ular so'ragan kitoblarni izlab qolyapmizni, demak, o'quvchilarimiz kitob o'qiyapti, barcha o'quvchilarning kitob o'qish madaniyatini shakllantirish uchun hamkorlikni yo'lga qo'yib, rejali ishlarni amalga oshirish darkor.

Foydalaniladigan adabiyotlar :

1. O'tkir Hoshimov. Daftar hoshiyasidagi bitiklar. "Sharq" nashriyoti. Toshkent. 2011.
2. Istiqlol. Adabiyot. Tanqid. Adabiy-ilmiiy nashr. «Turon zamin ziyo yog'dusi». Toshkent. 2015.
3. Nilufar Rasulova. Adabiyotdan mukammal savol javoblar. «Nurafshon ziyo yog'dusi». Toshkent. 2018



БУЮК ИХТИРОМИ ЁКИ ФАЛОКАТ

Ф.Ф.Ахмедов

*Ўзбекистон давлат санъат ва маданият
институтини ўқитувчиси.
Телефон: +99897702-83-43
super.romeo8515@yandex.ru*

Аннотация: Ушбу мақолада ўсиб келаётган ёш авлодни мобил алоқа воситаларидан фойдаланиш маданиятни шу билан бир қаторда ушбу буюк ихтирони пайдо бўлиши ва ҳозирги замонавий жамиятимизда тутган ўрни хусусида мулоҳазалар юритилган.

Калит сўзлар: Мобил алоқа воситаси, фойдаланиш маданияти, ижтимоий тарбия.

*“Агар мендан сизни нима қийнайди?”
деб сўрасангиз, фарзандларимизнинг
таълим тарбияси деб жавоб бераман
Ш.М.Мирзиёев*

XXI аср дунё халқларига турли хилдаги технологик ютуқларни олиб келди. Шулар орасида ҳозирги кунга келиб энг оммалашаётгани бу турли кўринишдаги мобил алоқа воситалари ҳисобланади. Тарихдан маълумки мобил алоқа воситасини яратиш тўғрисидаги фикрлар илк бора стационар телефонлар пайдо бўлганидан сўнг бошланди. Мобил қурилмани яратиш 1947 йилда AT&T, компаниясига тегишли бўлган Bell Laboratories лабораториясига юкланди. Шу йилнинг ўзида радиоузатгич ва телефоннинг гибридлари ихтиро қилинди.

Йиллар давомидаги изланишлар натижасида 1973 йилнинг 3 апрелида мобил алоқа бўлими бошлиғи биринчи бора ўзининг янги мобил алоқа воситаси ёрдамида AT&T Bell Labs.нинг офисига кўнғироқ қилади.

1983 йилнинг 6 мартда 15 йиллик изланишлардан сўнг Motorola компанияси томонидан DynaTAC 8000X номли илк мобил телефон воситалари ишлаб чиқариш бошланади¹. Ушбу телефон воситаларини ишлаб чиқариш ва сотиш учун компания томонидан ўша вақтнинг ўзида 100 млн доллар сарфланди.

Мобил телефон воситаларининг илк кўринишлари фақатгина алоқа ўрнатиш гаплашиш учунгина яратилган эди. Лекин замонавий мобил алоқа воситаларининг имкониятлари ҳозирги кунга келиб чексиз бўлмоқда. Мобил телефон воситалари функцияларининг компьютер функциялари даражасига келган кўриниши биринчи бора XX асрнинг 90 йилларига келибгина пайдо бўлди. Шундай телефонларни биринчиларидан бўлиб 1992 йил 23 ноябридан бошлаб Bell South компанияси ишлаб чиқари бошлаган. Ушбу телефон маркасига IBM Simon телефони мисол қилиб олишимиз мумкин.

Ҳозирда замонавий мобил телефон воситаси орқали интернетга кириш, хабар олиш ва жўнатиш, турли хилдаги ўйинларни ўйнаш, китобларни аудио ва матн кўринишларида ўрганиш ва бошқа турли хилдаги амалларни бажариш имкониятини беради. Замонавий мобил телефонлар ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланиб улгурди, десак хато бўлмайди. Уяли алоқа воситаси кашф этилгач ва кенг истеъмолга киргач алоқа имкониятлари кескин кенгайди, яхшиланди. Бироқ инсоният ўз ихтироларидан ҳамиша ҳам унумли фойдаланавермайди. Ҳозирги кўп миллатли замонавий жамиятимизда ўсиб келаётган ёш авлода мобил қурилмалардан фойдаланиш маданияти етишмаслиги маълум бўлиб бормоқда. Масалан, компьютер воситаларидан кўпчилик болалар, ёшлар ва ҳатто катталар турли хилдаги вазифаларни бажаришдан ташқари ўйин қурилмаси сифатида фойдаланади. Ваҳоланки, компьютер ва интернет тармоғи ёрдамида нафақат ер юзини балки космосни ҳам ўрганса бўлади. Телефон хусусида ҳам шунга ўхшаш фикр билдириш мумкин. Мисол учун кенг оммага кириб борган хар хил номдаги мессенжерларда турли хилдаги видеороликлар ва фото лавҳаларни жойлаш урфга кирган. Халқимиз қадим қадимдан ўзининг меҳнатсеварлиги меҳмондўстлиги ва жонқуярлиги билан танилиб келган. Ҳозирчи бир одам кўчада фалокатга дуч келса базибир ёшларимиз унга ёрдам беришни ўрнига фалокатни мобил

¹ <https://ziyouz.uz/>



қурилмаси камерсига ёзиб олиб интернетга жойлайди. Бундай ҳолатларлар менинг фикримча аввалам бор оила деб номланмуш ижтимоий институтда шаклланиши керак. Ахир таълим тарбия илк бериладиган жой бу оила ҳисобланади. Бази бир ота-оналар фарзандларини хаддан ташқари эркалаб мактаб ёшида ва ўтиш даврида бўлган фарзандларига турли хилдаги қимматбаҳо бўлган мобил қурилмаларни олиб бериб, лекин ундан қай йўсинда фойдаланиш кераклигини тушунтирмаганлиги сабабли ҳозирги кунда ёшларимизнинг маълум бир қисми маънавий қашшоқ, тарбиясиз ва интернетнинг базибир тармоқлари орқали тарқаладиган миллатимиз мафқурасига зид бўлган бузғунчи ғояларга қарши курашишга тайёр бўлмай қолмоқда. Шу билан бир қаторда мобил қурилмалар билан хаддан ташқари кўп фойдаланиш ёшларда рухий касалликларга чалинишга, жамоатдан ўзини олиб қочиб виртуал дунёга кириб кетишига сабаб бўлмоқда.

Бизга маълумки замонавий жамиятимиз кескин ривожланиши натижасида замонавий технологиялар ҳам кескин ривожланиб бормоқда ва кундан кунга мобил алоқа воситаларини ишлаб чиқариш кўрсаткичи кескин ортиб бормоқда. Ҳозир ушбу жараёнлар ҳақида статистик маълумотларга кўриб чиқамиз.

1. Сўнги ҳисоб-китобларга қараганда Ер юзида 3,3 миллиардга яқин қўл телефони ишляпти. Ушбу масалага мантикий ёндашиб кўрайлик. "Сотка"дан асосан ёшлар ва ўрта ёшдагилар фойдаланади. Худди шуни ҳисобга оладиган бўлсак, ҳар 100 кишига 158 та ишляётган телефон тўғри келади.

2. Ҳар йили дунё бўйича 125 миллионга яқин мобил телефон чиқиндига айланади. Улар фақат яроқсиз бўлиб қолгани ёки эскиргани сабаб ташлаб юборилмайди. Кўп ҳолларда телефон эгаси апаратини янги чиққан кўринишига, алмаштириб юборади. Чунки янги мобил воситани имкониятлари кўпайиб ўзи эса борган сари ихчамлаша боради. Айрим ривожланган мамлакатларда бу ҳолат кўғирчоқ янгилаш билан баробар. Масалан, корейслар ўрта ҳисобда ҳар 11 ойда янги телефон олади. Оддий уй телефонларини эса 5 йил, 10 йиллаб ишлатиши мумкин. Иккови ўртасидаги тафовут ер билан осмончадир.

3. Статистик маълумотларга қараганда, корейлик ўспирин ўз телефонида бир йилда ўртача 20 000 SMS жўнатади. Бу кунига 60 тага тўғри келади. Бошқа маълумотларга кўра, корейлик студент бир кунига 100 та SMS жўнатади.

4. Тадқиқотларда аниқланишича, фойдаланувчиларнинг ярми телефон нуруни фонарёритгич сифатида ишлатар экан.

Мобил телефонда меъеридан ортиқ даражада мулоқот қилиш, ўйинлар ўйнаш, интернет тармоғига кириб турли хилдаги бўлар бўлмас танишув, порнографик ва носоғлом ғоялар тарқатувчи сайтларга кириш қурилма фойдаланувчисининг нафақат соғлиғига балки маънавий рухий ҳолатига ҳам салбий таъсир кўрсатмай қолмайди. Қимматли вақтни ҳавога совурилишига сабаб бўлади ҳалос. Замонавий мобил телефон воситалари орқали интернет тармоғига хоҳлаган жойдан улана олиш унинг эгаси учун чексиз маълумотлар базасидан фойдаланиш имкониятини яратади. Интернет сайтлари орқали тарқалаётган турли хилдаги бузғунчи ва оммавий маданият кўринишларини тарғиб қилувчи сайтлар тинчликсевер халқлар ёшларини онгини захарлашга хизмат қилади. Бундай ҳолатларга асосан дунёқараш тор ёшлар дуч келади. Ўсиб келаётган ёшларни интернет тармоқлари орқали узатилаётган ҳалқимиз, маданиятимиз ва динимизга ёд бўлган мафқура ва ғоялардан ҳимоя қилиш борасида марҳум биринчи президентимиз Ислон Абдуғаниевич Каримов ва ҳозирги президентимиз Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг ёшларни бўш вақтини самарали ўтказиб назоратни кучайтириш тўғрисидаги олиб борган ва бораётган сиёсатларини қанчалик одил ва тўғри эканлигига яна бир бор амин бўламиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевни жорий йилнинг 19 март куни ёшларга эътиборни кучайтириш, ёш авлодни маданият, санъат, жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, уларда ахборот технологияларидан тўғри фойдаланиш кўникмасини шакллантириш, ёшлар ўртасида китобхонликни тарғиб қилиш, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш масалаларига бағишланган 5 та муҳим ташаббусини мисол қилиб олишимиз мумкин.

Хулоса тариқасида таъкидлаш жоизки инсоният томонидан яратилган барча қурилмалар сингари мобил телефон воситасини ҳам ўз ўрнида ва ақл билан қўлланилса ушбу воситалар орқали жуда катта ютуқларга эришиш мумкин бўлади.



Адабиётлар рўйхати

1. Анохин, А. Б. Android для телефонов и планшетов. Недостающее руководство для всех! Все версии от 2 до 4 (+ CD-ROM) / А.Б. Анохин. - М.: Триумф,2012.-224с.
2. Бейг, Эдвард iPhone 4S для чайников. Самое основное / Эдвард Бейг , Боб Ле-Витус.- М.:Вильямс,2012.-288с.
3. Жвалевский, Андрей Смартфоны Android без напряжения. Руководство пользователя/ АндрейЖвалевский.-М.:Питер,2012.- 406 с.
4. Журнал Stuff №7/8 июль - август 2013. -М.: Открытые Системы, 2013-100 с.
5. Муртазин, Эльдар От «кирпича» до смартфона. Удивительная эволюция мобильного телефона / Эльдар Муртазин-М.: Альпина Паблишер, 2012-234 с.



ZAHIRIDDIN MUHAMMAD BOBUR VA JAHON MADANIYATI

Prosheva Nargizaxon Ismonaliyevna
Buloqboshi tumani 20-umumiy o'rta ta'lim maktabi
ona tili va adabiyot fani o'qituvchisi
Qodirova Manzuraxon Axmadjonovna
Buloqboshi tumani 20-umumiy o'rta ta'lim maktabi
tarix fani o'qituvchisi
Tel: 90.211.27.20 ,90.148.45.59

Annotatsiya: Ushbu maqolada adolatli podshoh, nodir iste'dod egasi, qomusiy olim, mehribon ota, jahon madaniyati rivojiga ulkan hissa qo'shgan buyuk inson Zahiriddin Muhammad Boburning o'ziga xos jihatlari hamda jahon madaniyatiga qo'shgan hissasi haqidagi qarashlar tahlilga olingan. Shoh va shoir Zahiriddin Muhammad Boburning qarashlari, asarlarida ilgari surilgan g'oyalar bugungi kun uchun ham dolzarb ekanligi bayon qilingan.

Kalit so'zlar: Zahiriddin Muhammad Bobur, jahon madaniyati, Boburiylar sulolasi, "Boburnoma" asari, bunyodkorlik, ilm-ma'rifat.

Boburiylar sulolasining asoschisi, ilm-ma'rifat homiysi, uyg'onish davri hukmdorining haqiqiy namunasi bo'lmish Zahiriddin Muhammad Bobur jahon madaniyati rivojiga ulkan hissa qo'shgan.

Madaniyat-biror ijtimoiy guruh, sinf yoki xalqning ma'lum davrida qo'lga kiritgan shunday yutuqlari darajasi. Jahon madaniyati - inson hayotining, inson kamolining eng buyuk ijodiyoti, butun ilm, o'lmas badiiy, falsafiy, axloqiy boyliklar jamlanmasi.

Bobur adolatli shoh, boburiylar sulolasining asoschisi. Boburiylar jahon tarixida eng uzoq yillar, ya'ni 332 yil hukmronlik qilgan sulola hisoblanadi. Buning isboti sifatida Hindiston va Bangladeshda Bobur va boburiylar saltanati shunchalik qadrlanishidan Mirzo Bobur va vorislarining podshohlilari bu yurtlarda xayrli va chuqur iz qoldirganini ko'rishimiz mumkin. [1,-b.8]

Bobur, nafaqat adolatli shoh, boburiylar sulolasining asoschisi, balki jahon madaniyatiga ulkan meros qoldirgan- qomusiy olim. Bobur buyuk tarixiy siymo sifatida Yevropa, AQSH sharqshunos - tarixchi olimlari diqqat-e'tiboriga sazovor bo'lgan. Bobur -fiqh olimi. Fiqh-musulmonchilik farz va sunnatlari haqidagi amaliy nizom ilmidir. Uning hayotida ilhomiy onlar bilan to'la edi. Turkiylar o'z uzoq tarixlarida ko'plab yozuvlardan, chunonchi, turk -runiy yozuvidan, arab yozuvidan, uyg'ur yozuvidan foydalanganlar. Bobur arab yozuvida savod chiqargan bo'lsa-da, shu yozuv asosida 20 yoshida yangi bir yozuv -"Xatti Boburiy"ni kashf qildi. Bobur zamonida yangi yozuvlarni kashf qilish - oson ish emas edi.

Turklar xatti nasibing bo'lmasa, Bobur, ne tong,

Boburiy xatti emasdur, Xatti sig'noqidurur. [1,-b.17].

Boburning eng mahhur asari "Boburnoma"dir. U dastlab "Vaqoye" deb atalgan, So'ngra "Voqeoti Boburiy", "Voqeanoma", "Tuzuki Boburiy", "Boburiya" nomlarini oldi. So'ngra u "Boburnoma bo'lib shuhrat topdi. "Boburnoma"- tarixiy va badiiy asar sifatida biz yoshlarga Zahiriddin Muhammad Boburning butun umri davomidagi estaligidir. Mirzo Bobur 12 yoshidan hayotining so'chgigacha bo'lgan voqealarini qayd qilib borgan hamda umrining oxirlarida -1525-1530-yillarda ushbu asarni yaratgan. [2,-b.275]

Biz jahon adabiyoti bo'lgan Homerning "Oddiseya" asarini qanchalik qiziqish bilan o'qisak, xuddi shuningdek chet davlat adabiyotshunoslari ham Zahiriddin Muhammad Boburning "Boburnoma"sini shunday qiziqish bilan o'qishadi. Avtobiografik ocherklarni eslatuvchi voqeyiy hikoyalardan iborat bu yodnoma XVIII-asrlardan Yevropa davlatlariga kirib kelgan [3,-b.188].

Bobir Mirzo 1526-yilda zabt etgan Hindistonda juda ko'p bunyodkorliklar qildi. U Hindistondagi ba'zi bir qonunlarni tamoman o'zgartirdi.

Xususan:

1. Adolatli qonunlar chiqardi.
2. Juz'ya solig'ini bekor qildi.
3. O'lgan erning tirik xotinini murda bilan biraga kuydirishni taqiqladi.
4. Ichkilikka qarshi farmon berdi.
5. Bir nechta bog'lar barpo etdi.



6. Yangi ariqlar qazitdi.

7. Yangi madrasalar va uy-joylar qurdirtirdi.

Zahiriddin Muhammad Bobur, nafaqat, jahon adabiyotida, balki har bir inson qalbida chuqur iz qoldirgan buyuk siymodir. Uning insonparvarlik doirasida amalga oshirilgan ishlari tahsinga loyiq Z.M.Boburning olib borgan siyosati, barpo etgan buyuk saltanati hali hanuz insoniyatni lol qoldirib kelmoqda. Undagi sabr, metin iroda, o'z farzandlari va yaqinlariga bo'lgan mehr-muhabbat bugungi yoshlar, qolaversa, butun bir insoniyat uchun o'rnak vazifasini bajarib kelmoqda.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Zahiriddin Muhammad Bobur. "Boburnoma", –T.: "O'qituvchi" Nashriyot-Matbaa Ijodiy uyi, 2017.

2. B.To'xliyev, B. Karimov, K. Usmonova . 11-sinf uchun Adabiyot darslik-majumuasi.-T.:2018

3. Adabiyot fanidan yaxlit o'quv didaktik majmua "Sharq" nashriyoti –T.:2015



ЎЗБЕКИСТОНДА МУСИҚАЛИ АСАRLARNING YUTUQ VA KAMCHILIKLARI, UNI RIVOJLANTIRISH ISTIQBOLLARI

Tojiboyeva Dilovar Ergashaliyevna.

Axrorbekov Muhammadyusuf

O'zbekiston davlat san'at va madaniyat instituti

Farg'ona mintaqaviy filiali talabalari

dilovar@mail.com

Annotatsiya: Ushbu maqolada yurtimizdagi musiqali asarlarning kelib chiqishi, shakllanishi va tarixi haqida aytib o'tish orqali o'quvchida musiqa madaniyati yuzasidan bilimga ega bo'lishi nazarda tutilgan. Biz bilamizki, hozirgi kunda madaniyatimizning rivojlanishi uchun muxtaram yurt boshimiz 5 tashabbus loyihalari orqali san'at va madaniyatimizning rivoji uchun biz yoshlarga shart – sharoitlar yaratib bermoqdalar. Biz yoshlarga berilgan bu imkoniyalardan to'laqonliq foydalanib, qadimiy madaniyatizda aks ettirilgan musiqali asarlar yaratishimiz darkor. Maqolada anashunday qadimiy musiqa asarlarning rivojlanish jarayoni uchun O'rta Osiyo xalqlari ham o'z xissalarini qo'shganlari yoritib o'tilgan.

Kalit so'zlar: O'zbekiston kompozitorlari, madaniy yodgorliklar, san'at rivojlanishi, sharq xalqlari, musiqa madaniyati, sozanda, honanda, syujetli cholg'u, badiiy obriz, musiqiy obriz, imporvizatsiya.

San'atning har bir turi – uning o'zigagina xos bo'lgan badiiy obraz yaratish vositalariga va o'ziga xos qonuniyatlariga egadir.

Qadimiy madaniyat o'choqlaridan biri - O'rta Osiyoda yashagan xalqlar jahon fani va madaniyati xazinasiga salmoqli hissa qo'shganlar. Ular musiqa madaniyati sohasida ham juda boy va qadimiy merosga ega. O'rta Osiyo xalqlarining musiqa madaniyati tarixiga doir qadimiy yozma manbalar va arxeologlari tomonidan topilgan yodgorliklar buning dalili bo'ladi va shu xalqlarning yuksak madaniyatga ega bo'lganligini tasdiqlaydi. Lekin arab istilosi davrida (VII-IX asrlar) boshqa madaniy yodgorliklar qatorida musiqaga doir yozma manbalar kuydirilib, yo'qotib yuborilgan. Shuning uchun O'rta Osiyo xalqlarining so'ngi ming yillik madaniyati tarixiga oid yozma manbalargina bizgacha yetib kelgan. IX asrning ikkinchi yarmida Movarounnahr va Xurosonda xalq ozodlik kurashining avj olishi, yerlik xalqlarning istilochilarga qattiq qarshilik ko'rsatishi va qo'zg'olonlari natijasida arab xalifaligi hukmronligi ag'darilib, mahalliy Tohiriylar va so'ngra Somoniylar davlati barpo etildi. Bu davrda fan, madaniyat va san'atning rivojlanishi uchun bir qadar sharoit yaratildi. O'rta Osiyodan chikqan qator olimlar xuddi shu davrlarda o'rta asr fani tarixida o'zlarining ilmiy asarlari bilan jahonga mashhur bo'ldilar. Fanning boshqa sohalarida ham o'lmas ilmiy asarlar yaratgan al-Forobiy, Ibn Sino, al-Xorazmiy kabi ko'pgina buyuk olimlar musiqa nazariyasi («Ilmi musiqiy») bo'yicha ham ilmiy asarlar yaratdilar hamda Shark musiqa fani taraqqiyoti tarixida butun birdavrni ochib berdilar. Bu olimlar Sharq xalqlarida qo'llanilgan musiqa nazariyasining yuzaga kelishida hal etuvchi ro'l o'ynadilar.

Madaniyat va san'at rivoji davlatimiz rahbarining doimiy e'tiborida ekani O'zbekiston Kompozitorlari va bastakorlari uyushmasi faoliyatida ham o'zining yaqqol ifodasini topmoqda. O'zbekiston kompozitorlari va bastakorlari uyushmasi O'zbekiston ijodkorlarini qo'llab-quvvatlash "Ilhom" jamoat fondi ko'magida ko'plab musiqiy adabiyotlarni nashr etdi. Sohada uzoq yillar samarali mehnat qilayotgan bir guruh ijodkorlar Vatanimizning yuksak orden va medallari bilan taqdirlandilar. Xususan, Shermat Yormatov, Abduhoshim Ismoilov va uyushmaning Namangan viloyat bo'limi raisi Nortoji Yusupova "Fidokorona xizmatlari uchun" ordeni bilan, Soibjon Begmatov "Mehnat shuhrati" ordeni bilan, Shuxrat Zokirov "Shuhrat" medali bilan, Feliks Yanov-Yanovskiy "Madaniyat va san'at fidokori" ko'krak nishoni bilan taqdirlandilar, Natalya Yanov-Yanovskaya, Jahongir Shukurov va Bahodir Allaniyazov O'zbekiston Respublikasi Prezidenti nomidan rag'batlantirildilar. O'zbek xalqining musiqa madaniyati ko'p asrlik tarixga ega.

Ko'pgina sozanda va xonandalar avlodining faoliyatida qaror topgan xalq hamda og'zaki an'anadagi ustozona musiqa san'ati bu haqda guvohlik beradi. Moddiy madaniyat yodgorliklarining tasdiqlashicha, bugungi O'zbekiston hududida Markaziy Osiyo xalqlarining ajdodlari yaratgan qadimgi sivilizatsiya mavjud bo'lgan. Arxeologiya ma'lumotlari, tasviriy san'at asarlari (sharq poetik ijodiyoti asarlarida tasvirlangan miniaturalar), sharqshunoslarning yangi tadqiqotlari va



nihoyat, o'rtasidagi Markaziy Osiyoda yashab ijod etgan olimlarning musiqiy risolalari tajjimasini o'zbek xalqi musiqasi madaniyatini taraqqiyotining tarixiy jarayonini tasavvur qilishimizga yordam beradi. O'zbek xalqi ajdodlarning musiqasi sarchashmalari Markaziy Osiyo hududida yashagan qardosh xalqlar ijodi bilan mustahkam bog'langan. Bu musiqasi asarlari X-XI asrgacha (ya'ni, bu xalqlar faol chegaralanganlarigacha) o'zida bir butunlikni ifoda etdi, keyinchalik u o'zbek va tojik musiqasi madaniyatlarining shakllanishi uchun umumiy asos bo'lib xizmat qildi. Musiqasi ta'limini shartli ravishda ikki bosqichga bo'lish mumkin. Birinchisi, tayyorlov bosqichi. Bundan ko'zlanadigan asosiy maqsad – bolalarning musiqasi uquvini o'stirishdir. Shu vaqt mobaynida bolalar musiqasi tovushlarining baland-pastligi va cho'zimi kabi o'ziga xos xususiyatlarni ajrata bilishga o'rganishlari va nota yozuvini o'rganishga tayyorlanishlari kerak. Ikkinchi bosqichda nota savodi, ya'ni bevosita musiqasi tovushlarining grafik usulda ifodalanishi – nota yozuvini o'rganishga kirishiladi. Musiqasi mashg'ulotlari jarayonida bola hayotiy voqelikni musiqiy obrazlar orqali idrok etib boradi. Bolalar yoshiga mos musiqasi asarlari kichkintoylarda unutilmas taassurot qoldiradi, ularning ruhiy dunyosini boyitadi. Bog'cha sharoitidagi musiqaviy tarbiya badiiy adabiyot va tasviriy san'at bilan uzviy bog'langan holda amalga oshiriladi. Ashula aytish usuli, janrdagi musiqasi asarlari, xususan, syujetli cholg'u pyesalarini tinglash, musiqaviy o'yinlar bilan shug'ullanish va raqsga tushish jarayonida musiqasi mashg'ulotlari ko'pincha badiiy so'z bilan belgilanadi. Bola badiiy obrazlarni yorqin tasavvur etishi va chuqur idrok qila olishi uchun tasviriy san'at asarlaridan unumli foydalaniladi. Turli metodlardan foydalanib o'tkaziladigan har bir musiqasi mashg'ulotlari kichkintoylarda badiiy estetik zavq uyg'otadi, ularning his-tuyg'ularini rivojlantiradi, ijodiy fikri va nutqini o'stiradi. Bundan tashqari, musiqaviy o'yin va postanovkalar, raqslar bolalarda ritm tuyg'usi, chaqqonlik va harakatchanlik malakalarini rivojlantiradi hamda qomatning to'g'ri o'sishiga yordam beradi. Musiqasi uquv qobiliyati asosan quyidagi musiqasi uquv turlaridan iborat bo'ladi: musiqaviy uquvi, musiqaviy tovushlarning baland-pastligini his etish qobiliyati, tembr uquvi (musiqasi tovushlarining birbiridan farq qiladigan, o'ziga xos jihatlarni ajrata bilish qobiliyati), ritm tuyg'usi va musiqasi xotirasi. Bolalar bog'chasida olib boriladigan musiqasi tarbiyasining asosiy maqsad va vazifalarini quyidagicha belgilash mumkin:

1. Bolalarning musiqasi qiziqishini oshirish va uni sevishga o'rgatish.
2. Musiqasi asarlari bilan tanishtirish jarayonida bolalarda emotsional his-tuyg'ularini hosil etish yo'li bilan ularning musiqasi haqidagi tasavvurlarini boyitib borish.
3. Bolalarni oddiy musiqasi tushunchalari bilan tanishtirish, musiqasi tinglash, ashula aytish, musiqasi bilan harakat qilish, raqsga tushish va bolalarning oddiy musiqasi asboblari kuy chalish ko'nikmalarini shakllantirish va ijodiy qobiliyatini o'stirib borish.
4. Bolalar ovozi asrab tarbiyalash, ashula aytishning dastlabki ko'nikmalarini hosil etish, qo'shiqlarni sodda, ravon, erkin, tabiiy va ifodali kuylashga o'rgatish.
5. Musiqasi asarlaridan ta'sirlanish, shu asosda bolalarda musiqaviy did va badiiy muhokama yuritish malakalarini rivojlantirish.
6. Turli musiqasi mashg'ulotlari jarayonida improvizatsiya qilish musiqadagi badiiy obrazni o'yin va xor ovozlari vositasida ifoda etish, ma'lum musiqaviy mavzuga yangi o'yin o'ylab topish.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. I.Karimov. Yuksak ma'naviyat- yengilmas kuch.-T., 2008.
2. B.Matyoqubov. Doston navolari. -T., 2008, DTS va o'quv dasturi maxsus son.
3. S.Mannopov. O'zbek xalq musiqasi madaniyati. -T.,2004.
4. A. Axmadxo'jayev. O'zbek xalq ijodi.-T., 1967.
5. N.Qosimov.Folklor musiqasi ijrochiligi.-T., 2008.
6. O.Ibrohimov. Musiqasi ijodiyoti masalalari.T.,2002.
7. O.Ibrohimov. Musiqasi, 4-sinf uchun darslik.T.,2009.
8. K.A. Mamirov. Uzluksiz ta'lim tizimida musiqasi fanlarini o'qitish masalasi. -T., 2008.



ТОШКЕНТ ЗАМОНАВИЙ БАДИИЙ ҲУНАРМАНДЧИЛИГИ

*Хайитбобоева Хуршида Пирмахматовна
Камолитдин Бехзод номидаги
Миллий рассомлик ва дизайн институти ўқитувчиси
Телефон:998(90)977 83 74
hurshida1402@gmail.com*

Аннотация: Ушбу мақола Тошкент замонавий бадиий ҳунармандчилиги ҳамда ёш амалий санъат усталарининг анъанавий ва инновацион изланишлари ҳақида маълумот беради.

Аннотация: В данной статье представлена информация о современных ташкентских ремёслах, традиционных и инновационных исследованиях молодых мастеров прикладного искусства.

Калит сўзлар: Бадиий ҳунармандчилик, ёғоч ўймакорлик, майда пластика, миниатюра, наққошлик, нақш, кулолчилик, бодом гул.

Тошкент бадиий ҳунармандчилиги миллий маданий қадриятлар тизимида муҳим ўрин тутди. Ҳунармандчилик бадиийлик элементларига эга бўлганига қадар узоқ эволюцион йўлни босиб ўтди. Анъанавий бадиий ҳунармандчилик тарихнинг турли давларида гоҳ юксак даражада ривожланиб гоҳ аксинча ҳолатларни бошидан кечирди. Бироқ ҳар қандай ҳолатда ҳам, унинг бадиийлик хусусияти пасаймади, вақт ўтиши билан мустаҳкамланиб бораверди. Асл санъат турлари неча асрлардан буён ривожланиб, бугунги кун учун бекиёс замин яратди. Амалий санъатнинг ёғоч ўймакорлик, наққошлик, кулолчилик, кандакорлик ва шу каби бошқа турларининг тобора ривожланиб янгича кўриниш касб этаётганлиги қувонарли ҳолат бўлиб, асрлар оша сақланиб келинган санъатнинг давомийлигини таъминламоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистон ҳар жиҳатдан ривожланиб бораётганлиги туфайли миллий маданий қадриятларни қайта тиклаш жараёни кучайди. Тарихни ҳар томонлама чуқур ўрганиш ва миллий ўзига хосликка қайтиш давлат сиёсатининг етакчи йўналишларидан бири бўлиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 30.11.2019 “Ҳунармандчиликни янада ривожлантириш ва ҳунармандларни қўллаб – қувватлаш бўйича қўшимча чора – тадбирлар тўғрисида”ги Қарорига кўра мамлакатимизда миллий ҳунармандчилик, халқ бадиий ва амалий санъатини ривожлантириш, бу орқали халқимизнинг бой маданий мероси ва тарихий анъаналарини тўлиқ сақлаб қолиш, ёшлар, аёллар ва кам таъминланган оилаларни ҳунармандчиликка кенг жалб этиш орқали уларнинг иш билан бандлигини таъминлаш мақсадида қўшимча чора тадбирлар белгиланди.

Маълумки, сўнгги йилларда мамлакатимизда кўплаб ҳунармандчилик марказлари ташкил этилди, анъанавий бадиий маданиятнинг йўқолиб бораётган турларини қайта тиклаётган усталар учун имтиёзлар яратилди. “Устоз-шогирд” анъанавий таълим тизими қайта тикланди ва шу асосида кўплаб “устоз-шогирд” мактаблари ташкил этилди.

Бугунги кунда Тошкент худуди бўйича ушбу тизимда фаолият юритиб келаётган бир неча бадиий ҳунармандчилик объектларини мисол келтириш мумкин. Хусусан, Абулқосим мадрасаси ва Хаста Имом мажмуасида жойлашган Бароқхон мадрасасида кўплаб ҳунармандлар фаолият юритиб келмоқда. Ҳозирда ушбу бинолар Тошкент шаҳридаги бадиий ҳунармандчиликнинг ривожини бўйича асосий масканлар ҳисобланади.

Тарихга назар солидиган бўлсак, аслида ушбу бинолар неча асрлар илгари бунёд этилган бўлиб кўплаб тарихийликларга гувоҳ бўлганини кўраимиз.

Абулқосим мадрасаси 1982-87 йиллар давомида қайта таъмирланган. 1983 йилдан мадрасада Ўзбекистон тарихий ва маданий ёдгорликларни муҳофаза қилиш жамиятининг Тошкент бўлими, 1996 йилдан Халқаро “Олтин мерос” хайрия жамғармасининг Тошкент шаҳри бўлими ва унинг халқ амалий санъатига ихтисослаштирилган Устоз – шогирд йўналишидаги мактаби жойлашган. Айни пайтда устахоналар бадиий ҳунармандчилик ривожини йўлида хизмат қилмоқда. Шу билан бир қаторда замонавий бадиий ҳунармандчиликнинг шаклланиб, ўзгача турларини ривожини учун ҳисса қўшмоқда. Бундан ташқари, юқорида келтириб ўтилганидек Бароқхон мадрасасида ҳам кўплаб уста ҳунармандлар санъат намуналарини яратиш ишлари билан банд. Ушбу бино Ҳазрати Имом мажмуасининг жануби-ғарбий



чеккасида “Тилла Шайх” масжидининг қибла тарифида жойлашган. Мадрасадан 2006 йилнинг охиригача Ўзбекистон мусулмонлари идораси қароргоҳи сифатида фойдаланилди. 2007 йили Бароқхон мадрасаси буткул қайта таъмирланди ва бадий хунармандлар учун ижодий устахона қилиб топширилди.

Хозирги пайтда, А.Азларов, Ш.Ҳақимов, И.Турсунбоев, С.Рахматуллаев, З.Ҳасанов, А.Абдураззоқов, А.Эгамбердиев, М.Қурбоналиев, П. Ҳасанов, М. Пўлатов, Б. Ҳақимов, Б. Тождидинов, Б. Абдусаломов, Ф. Тошмухаммедов, А.Исроилов, Ж. Яшинов, У. Мухаммадкаримов каби кўплаб усталар ушбу бадий хунармандчилик биноларида фаолият олиб боришмоқда.

Улар бадий хунармандчиликнинг ёғоч ўймакорлиги, кулолчилик, наққошлик, майда пластика, миниатюра (шкатулка ва лаганларга туширилган миниатюра) каби турларида замонавий уй рўзғор ва безак учун мўлжалланган буюмларини ясаб келишмоқда.

Замонавий ёғоч ўймакорлиги буюмлари наққошлик ва миниатюра санъати билан уйғунлашиб кетмоқда. Асосий хомашёлар ёнғоқ, чинор, тут, тол, терак ҳисобланади. Бу ёғочлар ўз тузилиши ва шакли жиҳатидан бошқа дарахтлар ёғочидан ажралиб туради. Ёғоч ўймакорлигидаги асосий мавзулар карвон, марказида араб ёзувлари туширилган лаганлар, муҳаббат, ов, тарихий обидалардан иборат.

Кулолчилик ўзбек халқи бадий хунармандчилигининг энг қадимий турларидан бири бўлиб, бадий анъаналарни бойиши ва ўзгариши билан боғлиқ узок тараққиёт йўлини босиб ўтган. Замонавий Тошкент кулолчилик буюмларида анор меваси, бодом, қоқи гул, пахта гули нақшлари кўплаб учрайди.

Майда пластика ёки халқ ўйинчоқлари қадимда ва ўрта асрларда Марказий Осиёда лойдан ясалган ўйинчоқлар ва коропластикадан келиб чиққанлиги маълум. Бугунги кун Тошкент бадий хунармандларининг ишларида асосан хажвий ва таниқли қахрамонлар билан бир қаторда совғабор анор шаклининг безакли турлари, меъморий биноларнинг ўта кичрайтирилган кўринишидаги шакллари учратамиз.

Наққошлик халқ амалий санъатининг кенг тарқалган тури ҳисобланади. Ганч ва ёғочга нақш бериш бугунги кунда оммалашиб бормоқда. Замонавий наққошлик буюмларида жийда гули, араб ёзувлари, шеърхонлик, тарихий обидалар, мусиқа каби мавзуларни кўраамиз.

Замонавий бадий хунармандчиликнинг кўплаб турлари миниатюра санъати билан уйғун тарзда яратилмоқда. Масалан ёғоч ўймакорлик буюмлари саналган кичик шкатулкалар, турли хажмдаги лаганлар хаттоки деворий безак кўринишларида ҳам миниатюравий тасвирларни учратамиз. Ушбу тасвирларда асосан чордана қуриб ўтирган шоиру-олимлар, карвон, диний обидалар кўринишидаги мавзулар устунлик қилади.

Умуман олганда, ушбу икки бадий хунармандчилик объектларида амалий санъат буюмларининг ясаш ҳамда уларни бозор иқтисодиёти талабидан келиб чиққан ҳолда сотиш ишлари авж олган. Бугунги кундаги, бозор иқтисодиётининг амалий санъат буюмларига салбий таъсири ачинарли. Деярли барча хунармандларнинг ижодий ишларида анъанавий мактаб нақшу нигорларидан кўра кўпроқ бир буюмнинг бошқа бир буюм унсурлари билан қоришиб кетганига гувоҳ бўламиз. Табиийки бу ҳолат яратилаётган амалий санъат буюмининг бадий хусусиятини камайтириб қўймоқда. Ёғоч ўймакорлик ва каштачилик буюмларида миниатюранинг қоришуви, наққошлик ва миниатюра уйғунлиги акс эттирилган буюмлар ва шу каби кўплаб янгиликларни яратиш оммалашиб бормоқда. Ушбу турдаги замонавийлик қувонарли албатта, бироқ неча асрлардан буён анъанага айланиб келаётган асл санъат намуналаридаги ўзига хосликни сақлаб қолиш ва уни қайта тиклаш муаммоси бугунги кун амалий санъат усталари олдидаги муҳим масалалардан бири деб ҳисоблаш лозим. Яратилаётган бадий хунармандчилик буюмларининг савиясига алоҳида эътибор қаратиш шу билан биргаликда, ижодий ишларнинг бадийлик хусусиятини сақлаб қолиш муаммоси долзарбдир. Замонавий Тошкент бадий хунармандларининг баъзилари яратаётган бугунги кундаги амалий санъат буюмлари санъат дунёсидаги экологияни бироз бузиб қўймоқда. Асл анъаналар нисбатан бўлсада сақланиши тарафдоримиз. Зеро, ўтмиш анъаналари авлодларни боғловчи кўринмас риштадир. Маданий мерос ҳамда халқ бадий хунармандчилигини омонат билиб, уни асраб авайлаш салоҳияти жамиятнинг тараққий этганлик даражаси ҳамда ахлоқий барқарорлиги мезони саналади.



Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ш.Мирзиёев. Хунармандчиликни янада ривожлантириш ва хунармандларни қўллаб-қувватлаш бўйича кўшимча чора –тадбирлар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори .30.11.2019.
2. Хакимов А.А.Изобразительно – орнаментальные образы и мотивы прикладного искусства. Ташкент,1983.
3. А.Хакимов,Э.Гюль.Байсун.Атлас художественных ремесел.Ташкент:2006.
4. Кармышева Б.Х.Очерки этнической истории южных районов Таджикистана и Узбекистана.-М.,1976.
5. Дўстметова З.Меъморчилик асослари.Дарслик.-Т.: “Ўқитувчи” 2007.

TADQIQOT.UZ
ТОМОНИДАН ТАШКИЛ ЭТИЛГАН

"ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР"
МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА 18-КЎП ТАРМОҚЛИ
ИЛМИЙ МАСОФАВИЙ ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИЯ
МАТЕРИАЛЛАРИ

(12-қисм)

Масъул муҳаррир: Файзиев Шохруд Фармонович
Мусахҳиҳ: Файзиев Фаррух Фармонович
Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

Эълон қилиш муддати: 30.07.2020

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000